19 НАУРЫЗ МАРТ 2023
ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТ МАЖЛИСИ ВА МАСЛАҲАТЛАРИГА
САЙЛОВ
ЎЗ ТАНЛОВИНГИЗНИ АМАЛГА ОШИРИНГ!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
TÚRKISTAN
# Жанубий Қозоғистон
1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади
janubiy.kz
2023 йил 16 март, пайшанба, №29 (3225).



## ПРЕЗИДЕНТ «АМАЛ» БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

**Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон халқини саломлашиш куни билан табриклади, дея хабар беради 24.kz.**

«Барча Қозоғистон халқини бугунги «Амал» (форсча ҳамал маъносида – таҳририят) байрами билан табриклайман! Баҳорнинг илк қиёфасини олиб келувчи бу кунни халқимиз узоқ вақтдан буён интиқлик билан кутаётган эди. Ватанпарварлик ва ҳамжиҳатликка даъват этувчи ушбу байрам халқимизнинг қардошлик анъаналарининг ёрқин ифодасидир. Йил баракали бўлсин!» деб ёзди Давлат раҳбари Twitter саҳифасида.

***

Наврўз байрами қамровини кенгайтириш мақсадида Қозоғистонда Саломлашиш куни расмий тадбирлар қаторига қўшилди ва бугунги кунда у бутун қозоғистонликларга маълум бўлган муҳим кунга айланмоқда.

Бир кун билан чекланиб қолмай, йил бўйи давом этадиган саломлашиш анъанаси асосан Ғарбий Қозоғистон, Атиров вилоятлари ва Ақтўбе шаҳрининг айрим туманларида, қўшни Россиянинг Астрахань, Саратов, Оренбург вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда нишонланади. Манғистов вилояти аҳолиси эса буни «Амал байрами» деб атайди.

Шу куни ёшлар анъаналарга кўра, кексаларга салом бериб, дуо қиладилар. Одамлар бир-бирларига яхшилик тилайдилар.

## ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ВА ХИТОЙ ЭЛЧИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Давлат раҳбари Россия Федерацияси Элчиси Алексей Бородавкин билан суҳбат чоғида Президент Владимир Путиннинг Қозоғистонга бўлажак ташрифи, шунингдек, жорий йилнинг кузида Қўстанайда ўтадиган XIX минтақалараро ҳамкорлик анжумани муҳимлигини таъкидлади.**

Бундан ташқари, Қозоғистон ва Россия ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Хитой Халқ Республикасининг Қозоғистондаги Элчиси Чжан Сяо билан учрашувда жорий йилнинг май ойида Сиань шаҳрида ўтадиган «Марказий Осиё + Хитой» саммитининг долзарблиги ҳамда Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг ХХРга режалаштирилган давлат ташрифи ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбари ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Украинадаги вазиятни сиёсий йўл билан тартибга солиш борасидаги тинчликпарвар саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.




***Ҳурматли ҳамюртлар!***
***Барчангизни бугунги «Амал» байрами билан табриклайман!***

*Бу байрам биродарлик, қўшничилик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик ифодасидир. Бу кун ғам-ғуссаларни унутиб, юртни бирдамлик, ватанпарварлик ва тинчликка олиб келадиган кундир. Олисдаги ака-ука ва яқиндаги оға-ини, қўни-қўшнилар бир-бирларига алоҳида салом бериб, яхши тилаклар билдирадилар. Мен ҳам бутун қозоқ халқига, Туркистон халқига муваффақият ва фаровонлик тилайман!*

*Юртимиз омон, халқимиз ҳамжиҳат бўлсин!*

**Дархан САТИБАЛДИ,**
**Туркистон вилояти ҳокими.**

• Сайлов-2023

## САЙЛОВ КУНИ ТИББИЙ НИҚОБ ТАҚИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ

**Сайловчиларга 19 март куни ўтадиган Мажлис депутатлари сайловида тиббий ниқоб тақиш тавсия этилади. Бу ҳақда ҚР Соғликни сақлаш вазири ўринбосари – Бош давлат санитария врачи Айжан Есмағамбетова маълум қилди.**

– Республикамизда коронавирус инфекцияси бўйича эпидемиологик вазият барқарор. Бир кунда ўртача 100тагача COVID-19 ҳолати қайд этилмоқда. Эпидемиологик баҳолаш матрицасига кўра, республика ва барча вилоятлар «яшил» ҳудудга киритилган. Бу касалликнинг тарқалиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан Бош давлат санитария врачининг қарорига кўра, R кўрсаткичи 1дан юқори бўлса, аҳоли гавжум жойларда тиббий ниқоб тақиш тавсия этилади, – деди Айжан Есмағамбетова Марказий сайлов комиссияси йиғилишида.

**24.kz.**

• Президент

# ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАЙДИ




**Қасим-Жўмарт Тўқаев Бош вазир, давлат органлари раҳбарлари, вилоятлар ҳамда Астана, Алмати ва Шимкент шаҳарлари ҳокимлари иштирокида йиғилиш ўтказди.**

Унда мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди. Қозоғистон халқига Мактубида қайд этилган вазифалар ижросини таъминлаш, Давлат раҳбари томонидан берилган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент мамлакатда ҳар томонлама сиёсий замонавийлашув жараёни давом этаётганини таъкидлади.

– Биз унинг йўналишларини ўтган йилнинг март ойидаги Президент Мактубида белгилаган эдик. Мамлакатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Биз бир йил ичида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширдик. Давлат тизимини янги талаблар асосида замонавийлаштириш юзасидан кўплаб сиёсий тадбирлар ўтказдик. Биз муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун Миллий қурултойни ташкил қилдик. Давлатчилигимиз ва миллий бирлигимиз пойдеворини мустаҳкамлайдиган янги мафкуравий концепцияларни ишлаб чиқдик. Наврўз байрамини янгича нишонлашни бошладик. Республика байрамининг тикланиши тарихий қадам бўлди, – деди Давлат раҳбари.

Президентнинг сўзларига кўра, Қозоғистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат мамлакатда, балки хорижда ҳам муҳокама қилинмоқда.

– Дарҳақиқат, ислоҳотлар кўлами кенгаймоқда. Йиллар мобайнида тўпланиб қолган айрим ички ва ташқи муаммоларимиз ҳал этилмоқда. Бизнинг келажагимиз равшан, аниқ режамиз мавжуд. Мажлис ва маслаҳатларга сайловлар ҳокимият институтларини янгилашнинг якуний босқичидир. Шу тариқа ҳокимиятга кенг қамровли ислоҳотларни давом эттириш бўйича янги ишонч ваколати берилади. Мамлакатимиз тараққиёти йўлида янги ташаббуслар билан чиқиш ва уларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш асосий вазифадир. Ҳозир эришилган муваффақиятлардан ғурурланиш вақти эмас. Бу борадаги ишларни жадаллик билан давом эттириш керак. Шу маънода, давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, унинг мустақил мурватларини ташкил этиш борасида ҳали-ҳамон ўз ечимини кутиб келаётган вазифалар кўп. Албатта, қисқа давр ичида халқ ва мамлакат тақдири билан боғлиқ муаммоларнинг барчасини бирдан ҳал этиш мушкул иш. Энг муҳими, бугунги кунда юртимиздаги жадаллик билан юз бераётган ривожланишлар халқнинг маънавий-руҳий эҳтиёжига айланиб бормоқда, – деди Президент.

Давлат раҳбари ижтимоий барқарорлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

– Мамлакатимиз тараққиёти учун сиёсий тизимни замонавийлаштиришнинг ўзи етарли эмас. Ислоҳотлар, энг аввало, жамиятда янги сиёсий маданиятни шакллантириши керак. Шу билан бирга, янги қадриятларни ўрнатиш керак. Энг аввало, мамлакат манфаатлари, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари устувор ҳисобланади. Геосиёсий вазият оғирлашганда давлат ва фуқароларнинг масъулият юки ортади. Бир ўйламай айтилган сўз, битта ўйламай қабул қилинган қарор мамлакатга улкан таъсир кўрсатиши мумкин. Албатта, давлат сўз эркинлигини кафолатлайди. Ҳар ким хоҳлаганича ҳаракат қилиш имкониятига эга. Аммо бу бепарволикка йўл очиш дегани эмас. Ҳар бир фуқаро юрт тинчлиги, унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш билан боғлиқ қонун талабларига тўлиқ риоя этишга мажбурдир. Қонун ва тартиб бор жойда барқарорлик бўлади. Бу тамойил барча учун умумийдир, – деди Президент.

Давлат раҳбари халқнинг миллий ўзлиги ва бирлигини мустаҳкамлаш муҳим вазифа эканини таъкидлади.

– Сўнгги пайтларда фақат бир вилоятга маълум бўлган одамларга ёдгорлик ўрнатиш урфга айланди. Маҳаллий ономастика комиссиялари бунга йўл қўймаслиги керак. Республика комиссияси номақбул қарорларнинг олдини олиши керак. Ҳар ким ўз ота-боболарига ёдгорлик ўрнатса, мамлакатда қабилачилик, маҳаллийчилик авж олади. Бунга эътибор қаратинг. Совет даври арбобларига, жумладан, оммавий қатағонларда бевосита иштирок этган шахсларга ёдгорлик ва бюстлар ўрнатиш ишлари ҳозир ҳам давом этмоқда. Ҳаётда бўлмаган қаҳрамонликларга тўла таржимаи ҳоллар ўйлаб топилмоқда. Улар ҳақидаги маълумотлар архив ҳужжатларида кўрсатилмаган ёки умуман йўқ. Айрим фаол гуруҳлар фуқароларимизни шўролар давридаги партия ва давлат арбобларининг афсонавий таржимаи ҳолларига ишонишга мажбур қилмоқда, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Миллатлараро муносабатлар муаммоси доимо долзарбдир.

– Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш мамлакат барқарор тараққиётининг асосидир. Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун марказий давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек, Қозоғистон халқи Ассамблеяси ва умумий фуқаролик жамияти кучларини бирлаштириш керак, – деди Президент.

Шу билан бирга, Давлат раҳбари маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш муҳимлигига эътибор қаратди.

– Халқимизнинг дунёқарашига кўра, анъанавий исломни улуғлаш жуда муҳим. Унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш зарур. Ёш авлоднинг маънавий тарбиясини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Аслида, бу жуда муҳим масала. Унга эътибор қаратмасак, миллий анъаналаримизни йўқотишимиз мумкин. Ҳокимларга ваколатли органлар билан биргаликда диний соҳадаги тадбирларни фаоллаштиришни топшираман, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Президент халқнинг турмуш даражасини юксалтириш ҳукумат ва вилоятлар ҳокимлари олдидаги энг муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлади. Давлат раҳбари мамлакатда ижобий ўзгаришлар рўй бераётганини фуқаролар ҳис этиши зарурлигини қайд этди. Бунинг учун халққа эзгу ташаббусларнинг аҳамиятини муттасил етказиб туриш керак.

– Биз беқарорликка олиб келадиган ҳаракатларга йўл қўймаймиз. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш керак. Мамлакатда фитна қўзғатувчи, жамоат тартибини бузишга ундаган шахслар қатъий жазоланади. Фитнага қарши кураш қонун доирасида жадал ва тизимли равишда олиб борилиши керак. Тегишли қонунларимиз бор, уларга қатъий риоя қилишимиз зарур. Акс ҳолда, лоқайдликнинг оқибатлари мамлакатимиз учун жуда хавфли бўлиши мумкин. Кўп марта айтганимдек, бизга, биринчи навбатда, қонун устуворлиги зарур. Қонунга амал қилинса, фуқаролик масъулият юксалсагина жамиятда тартиб бўлади. Барқарорлик бор жойдагина тараққиёт ва фаровонлик бўлади. Юрт бирлиги – ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий кафолатидир. Шундай экан, биз ҳамжиҳатликда ишлашимиз керак. Давлатни ҳар томонлама замонавийлаштириш борасидаги ишлар келгусида ҳам давом эттирилади. Шу муносабат билан мен қатор янги ташаббуслар устида ишламоқдаман. Бу ҳақда сайловдан кейин эълон қиламан, – дея хулоса қилди Президент.

Шу билан бирга, Қасим-Жўмарт Тўқаев шаҳар ҳокимлари ва давлат органлари раҳбарларига фуқаролар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, учрашувлар ва шахсий қабуллар ўтказиш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Алтай Кўлгинов, Астана шаҳри ҳокими Женис Қасимбек, Алмати шаҳри ҳокими Ербўлат Дўсаев ва Шимкент шаҳри ҳокими Мурат Айтенов сўзга чиқди.

**Akorda.kz.**

## ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

**Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”ги Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Дархан Амангелдиулы Сатибалдининг Қазиғурт тумани аҳолиси билан учрашуви 2023 йил 29 март куни соат 15.30да Қазиғурт аҳоли манзилидаги 1-сонли болалар санъат мактаби биносида, шунингдек, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2023 йил 29 март куни соат 16.30да шу манзилда ўтади.**

*Вилоят ҳокимининг шахсий қабулига аввалдан ёзилиш учун 8(72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2023 йил 28 мартгача соат 9.00дан 18.30 оралиғида (тушки танаффус соат 13.00-14.30гача) амалга оширилади.*

*Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.*










# “НАВРЎЗ – МАРАФОН” ЮКСАК САВИЯДА ЎТДИ

**Наврўз байрами муносабати билан Туркистон шаҳрида “Спорт – соғлик гарови” шиори остида оммавий югуриш марафони ўтди.**

Маълумки, Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалдининг ташаббуси билан Наврўз байрами 10 кун давомида миллий анъаналар руҳида нишонланади. Шу муносабат билан 500 нафарга яқин одам иштирокида марафон уюштирилди.

Куннинг иккинчи ярмида ўтган марафонда спортчилар, ёшлар, ҳатто, кичкинтой болалар ҳам иштирок этди. Туркистонлик фахрий спортчи Марат Бўжбанбаев бу каби спорт мусобақалари кўтаринки кайфият бағишлаш билан бир қаторда, соғликни мустаҳкамлашини таъкидлади.

35 ёшгача бўлган эркаклар ўртасидаги мусобақада Ардашер Захадинов бош мукофотни қўлга киритди. Ақниет Абдурасилули – кумуш, Ердаулет Абенов эса бронза медалига сазовор бўлди. 35 ёшдан ошганлар ўртасидаги беллашувда Еркин Жадирисов ғолиб бўлса, кумуш медаль Марат Нурмахановга, бронза медали эса Ертай Қамбаровга насиб қилди.




35 ёшгача бўлган хотин-қизлар ўртасида олтин медални Гулнар Исқақова, кумуш медални Ксения Самсонова, бронза медалини Диана Сейтенова қўлга киритди. 35 ёшдан ошганлар беллашувида Малика Есжанова ғолиб бўлди. Фариза Мусаева – кумуш, Гулшара Акимбекова эса бронза медалига сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорларни вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Жазира Муслимова тақдирлаб, медаль ва ташаккурномалар топширишди.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

**Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Нуралхан Кўшеров “Sas-Tobe Technologies” МЧБ ишчи-хизматчилари билан учрашди.**

# ЗАВОДНИ ҚУТҚАРИШ ЛОЗИМ



Тулкибош туманидаги энг йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири бўлган масъулияти чекланган биродарликда 567 одам меҳнат қилади. Йилига 450 минг тонна цемент, 90 минг тонна оҳак ишлаб чиқарадиган заводнинг бугунги кунда банк олдидаги қарзини узиш масаласи муаммо бўлмоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қилиш мақсадида, вилоят ҳокимининг ўринбосари корхонага бориб, раҳбарият ва ишчилар билан учрашди. Учрашувда туман ҳокими Н. Байғут, туман прокурори, вилоят меҳнат инспекцияси раҳбари, солиқ бошқармаси раҳбарининг ўринбосари иштирок этди.

Корхона раҳбарлари завод иш суръатини ўзгартирмаслиги учун вақтида ойлик маошлари берилаётганини айтиб, вилоят ҳокимининг муовинидан ёрдам сўради. Нуралхан Кўшеров ишчи-хизматчиларнинг илтимоси эътиборга олиниб, давлат томонидан қўллов кўрсатилиши учун тегишли тадбирлар юритилишини таъкидлади.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

**Бу ҳақда вилоят сайёҳлик бошқармаси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Нурдаулет Медеуов брифингда маълум қилди.**

# САЙЁҲЛИК МАВСУМИ ОЧИЛДИ



Жорий йил вилоятда Наврўз байрами 10 кун нишонланади. Тадбирлар 11 март куни бошланди. Ҳар бир кунга алоҳида аҳамият берилиб, турли челленжлар, шанбаликлар, югуриш марафонлари, концерт дастурлари ўтказилади. Шунингдек, миллий таом ва ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари, турли кўрик-танлов ҳамда миллий спорт турлари бўйича мусобақалар, хайрия тадбирларини ўтказиш режаланган.

Наврўз байрами арафасида “Карвон сарой” сайёҳлик мажмуасида сайёҳлик мавсумининг очилиши ўтди.

– Туркистон – қозоқ халқи, қолаверса, туркий халқларнинг тарихий пойтахти. Улуғ айём арафасида вилоят марказида ҳам қатор тадбирлар ўтказиш режаланган. “Карвон сарой” мажмуасида сайёҳлик мавсумининг расмий очилиш маросимида концерт дастурлари, спорт мусобақалари, интерфаол савол-жавоб, қизиқарли ўйинлар ташкил этилмоқда, – деди Нурдаулет Данабайули.

Шунингдек, вилоят марказида “Тойқозон” гастрофестивали, “Этнофестиваль”, “Жонли дарслар” сайр дастурини ўтказиш режаланган.

Жорий йилнинг 15-16 апрель кунлари “Маънавият масканида никоҳ” маросими, 24-28 май кунлари эса “Туркистонни кўргим келади” шоу-дастури ўтади. 3 июнда “Чоға” чўмилиш мавсумининг очилиш ҳафталиги, 8 июлда эса Байжансайда “Airsoft” страйкбол чемпионати ташкил этилади.

Шунингдек, 19 август куни Чордара туманида “Qauyn Fest” фестивали, октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистон, Қатар, Франция, Япония, Туркияда ўтадиган халқаро кўргазмаларда вилоятнинг сайёҳлик салоҳияти намойиш этилади.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

# «БЕРЕЛ ХАЗИНАЛАРИ» КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ




**Наврўз байрами арафасида ҚР Маданият ва спорт вазирлиги шафелиги, “Ҳазрат Султон” давлат тарихий-маданий музей-қўриқхонаси ташкилотчилигида Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасининг Катта Оқсарой хонасида “Берел хазиналари” кўргазмасининг очилиш маросими ўтди.**

Туркистон шаҳрида илк бор ташкил этилган тадбирда ҚР Миллий музейи директори вазифасини бажарувчи Айбек Сидиқов, Шарқий Қозоғистон вилоятидаги Берел музей-қўриқхонаси директори Алмас Сарибасов, Туркистон шаҳар фахрийлар кенгаши раиси Жарқинбек Кулбайимбетов, Туркистон вилояти маданият бошқармаси бўлим мудири Элвира Мўминова, “Ҳазрат Султон” музей-қўриқхонаси директори Маулен Садиқбеков иштирок этиб, кўргазманинг мақсади ва аҳамиятига тўхталдилар. Шунингдек, тадбирда маданият, таълим муассасалари ва музейлар раҳбарлари, олимлар, ОАВ вакиллари ҳам иштирок этди.

Кўргазма экспозициясида Берел қўрғонларида олиб борилган қазилма ишлари, у ердан топилган скиф-сибирь овчилик услуби ва саклар санъатига оид тилла буюм ва от жабдуқлари, бронза ойна, тақинчоқ ва бошқа буюмлар қўйилган.

Кўргазмани ўтказишдан кўзланган мақсад – Туркистон шаҳри аҳолиси ва меҳмонларини Қозоғистон Республикаси Миллий музейи ва “Берел” давлат тарихий-маданий музей-қўриқхонасида сақланаётган сак санъати ёдгорликлари билан таништириш эди.

Минг йиллик тарихга эга Берел қабристони Қозоғистоннинг миллий муқаддас қадамжоларидан бирига айланган жой.

Ушбу кўргазма Туркистон жамоатчилиги ва шаҳарга ташриф буюрган сайёҳларга 1 ой давомида тақдим этилади.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**




# МАЖЛИС ВА МАСЛАҲАТ ДЕПУТАТЛАРИНИ САЙЛАШДА

## 5та САЙЛОВ ВАРАҚАСИ БЕРИЛАДИ

Иккита варақа Мажлис депутатларини, учтаси эса маслаҳат депутатларини сайлашга мўлжалланган.

Мажлис ва маслаҳатларга сайлашда овоз бериш учун Қозоғистон фуқароларига сайлов варақаларининг бешта тури тавсия қилинади.

Марказий сайлов комиссияси 19 март куни ўтадиган сайлов учун варақаларнинг қуйидаги турларини тасдиқлади:

-партиявий рўйхатлар бўйича сайланадиган Парламент Мажлиси депутатларини сайлаш бўйича овоз бериш учун (кўк рангли);

-бир мандатли ҳудудий сайлов округлари бўйича Парламент Мажлиси депутатларини сайлаш бўйича овоз бериш учун (яшил рангли);

-партиявий тизим бўйича сайланадиган вилоятлар, республика аҳамиятига молик шаҳарлар ва пойтахтлар маслаҳатлари депутатларини сайлашда овоз бериш учун (бинафшаранг);

-бир мандатли ҳудудий сайлов округлари (қизғиш-сариқ рангли) бўйича сайланадиган вилоятлар, республика аҳамиятига молик шаҳарлар ва пойтахтнинг маслаҳатлари депутатларини сайлашда овоз бериш учун;

-шунингдек, бир мандатли ҳудудий сайлов округлари бўйича сайланадиган вилоят аҳамиятига молик шаҳарлар ва туманларнинг маслаҳатлари (кулранг).

Сўнгги варақа Астана, Алмати ва Шимкент шаҳарлари сайловчиларига мўлжалланмаган. Республика аҳамиятига молик шаҳарларнинг аҳолиси фақат 4та варақа олади.

Мазкур сайловдаги варақалар А5 шаклида бўлади.

БССТ раҳбари COVID-19 пандемияси 2023 йилда ниҳоясига етишига ишонч билдирди.



**ТАЖРИБА – ТЎҒРИ ЙЎЛ!**

# САДИБЕКОВ УЛАСБЕК

**26-СОНЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТИ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД**

### ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

*Уласбек Садибеков 1967 йилда Жанубий Қозоғистон вилояти Байдибек туманининг Жамбил овулида туғилган. Олий маълумотли. 1992 йилда Целиноград қишлоқ хўжалиги институтини «Муҳандис-электрчи» ихтисослиги бўйича, 2001 йили «Қайнар» университетини «Халқаро иқтисодчи» мутахассислиги бўйича тамомлаган.*

*Меҳнат фаолиятини 1983 йили собиқ Шимкент вилояти, Алғабас (Байдибек) туманида ишчи сифатида бошлаган, давлат хизматидаги турли соҳаларда шараф билан хизмат қилган. Ақмўла шаҳар ёшлар иши қўмитаси раиси, Байдибек туман ҳокими ўринбосари, Жанубий Қозоғистон вилояти ёшлар ишлари ва ички сиёсат департаменти раҳбари, Байдибек, Сариоғоч, Сайрам туманлари ҳокими, «Нур Отан» ХДП («AMANAT» партияси) ЖҚВ филиали раисининг биринчи ўринбосари, ҚР Парламенти Мажлиси депутати, Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди.*

*Арис шаҳри, Байдибек туманининг «Фахрий фуқароси». Иқтисодиёт фанлари номзоди. Оилали. 5 ўғилнинг отаси, 6 набиранинг суюкли бобоси.*

### САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

**Минтақалар тараққиёти – мамлакат тараққиёти:** Муҳим иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар, асосан, минтақаларда амалга ошади. Минтақаларни ҳар томонлама ривожлантирмай туриб, мамлакат тараққиётини бутунлай янги босқичга кўтариб бўлмайди. Минтақаларда давлат дастурлари, миллий лойиҳалар самарали амалга оширилиши керак. Саноат – миллий иқтисодиётнинг таянчига айланган муҳим тармоқдир. Аҳолига турли товарлар таклиф этаётган корхоналарни давлат томонидан рағбатлантириш масаласига эътибор қаратиш зарур. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали қишлоқ иқтисодиётини яхшилашга таъсир кўрсатиш мумкин.

**Қишлоқ хўжалиги:** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш борасида кўплаб иншоотларни яратиш, фойдаланиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшаман.

Туркистон вилоятининг ер майдони 11 миллион 609,5 минг гектарни ташкил этади. Уларнинг 4 миллион 307 минг гектари қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерлардир. Даладан мўл-ҳосил олиш учун суғориш суви сарфини камайтириш керак. Минтақадаги энг муҳим муаммо яйлов масаласи. Аҳоли манзилларида яйлов масаласи ҳал этилиб, фуқароларнинг хусусий хўжаликлар билан шуғулланишига шароит яратишимиз лозим.

**Ижтимоий соҳа:** Мактаблар зарур бўлган ҳудудларга «Қулай мактаб» лойиҳасини амалга ошириш устида иш олиб бориб, янги мактаблар қурилишига ҳиссамни қўшаман. Таълим соҳасидаги бошқа масалалар ҳам ижобий ечимини топишига эътибор қаратаман.

Йўлларни таъмирлаш менинг асосий эътиборимда бўлади. Яқин 5 йил ичида йўллар сифатини янада яхшилашга ҳисса қўшаман.

Минтақадаги қишлоқларда интернет алоқа тизими ночор. Жамият дунёвийлашув даврига юз тутаётган бугунги кунда биз интернет сифатини оширишимиз керак.

Вилоят тиббиёт соҳаси ҳам ижобий ўзгаришларни талаб қилмоқда. Олис қишлоқларда тиббиёт ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини очиш даркор.

**Қулай муҳитда яшаш:** Аҳолини сифатли электр энергияси ва ичимли сув билан таъминлашга эътибор қаратиб, ижобий ҳал этишилишига ҳисса қўшаман.

Ўтган йил якунларига кўра, табиий газ билан таъминланган қишлоқлар сони 56,2 фоизни ташкил этди. Келгуси 5 йилда бу кўрсаткични ошириш устида ишлайман.

**Сайёҳликни ривожлантириш:** Вилоятда 1782та тарихий-маданий ёдгорлик мавжуд. Шу боис, сайёҳлик минтақа иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланиши керак, деб ҳисоблайман. Бу йўналишда Туркистон шаҳри ва Қазиғурт, Ўтрор туманларидаги қатор сайёҳлик иншоотлари, Машат, Оқсув дараси, Тўлебий тоғ-чанғи курорти, Кентовдаги минг йиллик тут дарахти, Сўзоқ, Байдибек, Сайрам туманларидаги тарихий жойларнинг даромадларини оширишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириша киришаман.

**Экология:** Ҳар бир ҳудуддаги қаттиқ маиший чиқинди полигонларининг экологик талабалар ва санитария қоидаларига мувофиқлиги ҳамда рухсат этилмаган чиқинди ташланаётган майдонларни бартараф этишга эътибор қаратаман.

***Ҳурматли сайловчилар!***

***Менинг «Тажриба – тўғри йўлдир!» номли сайловолди дастурим – яқин беш йилда минтақадаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишга бағишланган.***

***Халқ ишончини қозониш – мен учун улкан масъулият. Ва ишончни оқлаш мен учун юксак вазифадир.***

***Сизларни 19 март куни ўтадиган Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси сайловида менга овоз беришга чақираман!***

*(26-сонли сайлов округидан ҚР Парламенти Мажлиси депутатлигига номзод У. Садибековнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов шахсий сайлов жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилди.)*

# САЙДУЛЛАЕВА НИЛУФАР ПАХРИТДИНОВНА

**8-СОНЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ШИМКЕНТ ШАҲАР МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД**



### ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

*Мен, Сайдуллаева Нилуфар Пахритдиновна, 1988 йили 11 ноябрда Шимкент шаҳрида дунёга келдим. Оилалиман, турмуш ўртоғим билан етти фарзандни вояга етказяпмиз.*

*Икки олий маълумотим бор: 2015 йили М. Сапарбаев номидаги институтни иқтисодиёт ҳамда М. Ауезов номидаги университетни ҳуқуқшунослик факультетини тамомладим.*

*Меҳнат фаолиятимни 2013 йили тикувчиликдан бошладим. Сўнг аёллар либослари дўконини очдим. 2016 йилдан “Art School” ўқув марказининг пойдеворини яратдик ва айни дамда унинг бош директориман. 2017 йили тикув ускуналари ва газламалар ҳамда фурнитуралар дўконини очдим. 2018 йили эса тикув цехини ишга туширдим. 2019 йилдан бошлаб ҚР “Атамекен” МТП қошидаги Тадбиркор хотин-қизлар кенгаши фаолларининг, 2020 йилдан – “AMANAT” партиясининг аъзосиман. 2021 йилдан “Атамекен” Тадбиркор хотин-қизлар қўмитаси Бошқарма аъзоси ҳамда Шимкент шаҳри, Енбекши тумани “Атамекен” МТП раисиман. 2022 йилдан бошлаб “Women's day” аёллар клуби ва WTC (жаҳон савдо маркази) асосчисиман. Мен “IS QOLDAY” Хотин-қизлар ва оилавий тадбиркорликни қўллаш” жамоат бирлашмаси ва “IS QOLDAY” Қозоғистонлик аёллар ҳамда оилавий кичик тадбиркорлик ҳамжамиятининг асосчиман.*

*«Мейірімді жүрек» номинацияси (2021), «ALTYN OIMAQ» Республика танловининг биринчи ўрин соҳиби (2021) ва «АруАна» Бизнес-признание» танловининг Бош соврини соҳибиман (2022 й).*

*Шимкент шаҳар ҳокими Мурат Айтеновнинг ташаккурномалари (2021-2022 йй.), ҚР «Атамекен» МТП қошидаги Тадбиркор хотин-қизлар кенгаши раисаси Лаззат Рамазанова ҳамда «Атамекен» МТПнинг ташаккурномалари билан (2019-2021 йй.) тақдирланганман.*

### САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

**Она саломатлиги, аёл бахти – даромадли келажагимизнинг кафолати!**

– Сифатли ҳамда ҳаммабоп тиббиёт хизматларни такомиллаштириш учун куч соламан;

– Кўп болали кам таъминланган оилалар, имконияти чекланган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг сифатини назорат қиламан;

– Имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оналарга руҳий ёрдам кўрсатилишини, уларнинг турли ўқув курсларида таълим олишлари учун ҳаракат қиламан;

– Оилаларида зўравонликка учраётган аёлларга руҳий ёрдам кўрсатилишига, эътиёжманд, кўп болали оналарнинг давлатдан ўз вақтида ёрдам пули олишлари учун ҳаракат қиламан;

– Ёш оилаларга, кўп болали оилаларга, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериб, улар учун ижтимоий марказлар очилишига киришаман;

– Бизнесдаги хотин-қизларнинг улушини оширишга ҳаракат қиламан;

– Ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун имтиёзли насия берилишига ҳаракат қиламан.

– «Еңбек» умумий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашини назорат қиламан.

– Кўп болали оналар учун бизнес академиясини очишга уринаман.

***Ҳурматли сайловчилар!***

*Мен кўп болали она сифатида шаҳримиздаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг барча масалаларини, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда ҳамда фарзандларимиз порлоқ келажаги учун бор ғайратимни ишга соламан.*

*(8-сайлов округидан Шимкент шаҳар маслаҳати депутатлигига номзод Н. Сайдуллаеванинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов республика бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилди).*

# ҚОЧҚАРТАЕВ САЙДИКАРИМ АБДИҒАНИЕВИЧ

**9-СОНЛИ САЙЛОВ ОКРУГИДАН САЙРАМ ТУМАН МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД**



### ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

*Қочқартаев Сайдикарим Абдиғаниевич 1960 йил 1 августда Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғида дунёга келган. Маълумоти – олий. 1980 йили Туркистон шаҳридаги Ибирай Алтинсарин номидаги педагогика техникумини якунлади. 2014 йили Шимкент шаҳридаги Шимкент университетини жисмоний тарбия фани мутахассислиги бўйича тамомлади.*

*Улуғбек номли умумий ўрта мактабда 40 йилдан буён ўқитувчилик касбини улуғлаб келмоқда. Шунингдек, касаба уюшмаси қўмитаси раиси, Туркистон вилояти бўйича “Халқ бирлиги” ҳамда “Сенімді болашақ” жамоат бирлашмаларининг раҳбари.*

*Оилали. Тўрт ўғил, бир қизи бор.*

### САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Устоз, касаба уюшма қўмитаси раиси, Туркистон вилояти бўйича “Халқ бирлиги” ҳамда “Сенімді болашақ” жамоат бирлашмасининг бошчиси бўлиш билан бирга Ватаним – Қозоғистон Республикаси ҳамда Қорабулоқ ва Кўлкент қишлоқларининг тараққиётига ўз ҳиссамни қўшгим келади.

– Қозоғистон жамияти тенг имкониятлар жамиятига айланиши муҳим, унда асосий бойлик – инсон ҳисобланади ҳамда бир-бирига бўлган ҳурмат ва ўзаро муносабат қоидалари атрофлича тасдиқланади;

– Маҳаллий ваколатли органларга сайлов – бу муайян шахсларнинг танловигина эмас, бу қишлоқ ҳар бир фуқаросининг ҳаёт кечириш сифатини танлаш.

– Ҳар бир сайланувчи лавозимдор фуқаролар билан ваколатли органлар орасида алоқа бўлиши керак.

– Туман миқёсида қабулланган барча қарорларнинг аниқлиги ва ошкоралиги, уларни авваллдан таҳлил қилиш фуқаровий жамият билан келишган ҳолда бўлишини таъминлаш муҳим.

**Иқтисодий тараққиёт:**

– Туманнинг, қишлоқнинг инфратузилмасини ривожлантиришга ишлаб чиқариш ўринларини реконструкциялаш ҳамда ташкил этишга, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамда иқтисоднинг қишлоқ хўжалиги шўъбасини ривожлантиришга имконият яратишга ёрдамлашиш.

– Қишлоқларнинг соғликни сақлаш тармоғини давлат томонидан ҳамда хусусий маблағ эвазига молиялаштиришни кўпайтиришга ёрдамлашиш, тиббиёт муассасаларининг сонини орттириш, аҳолини тиббий ёрдамнинг кафолатланган миқдори билан ҳамда бепул дори-дармонлар билан таъминлаш.

**Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш**

– Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланмаган қатламларига, кам таъминланган фуқароларга, кўп болали оналарга, уруш ҳамда меҳнат фахрийларига, нафақадорларга кафолатланган манзилли ижтимоий ёрдамни таъминлаш ҳамда турар жой аҳволини яхшилаш.

**Таълим, маданият ҳамда спорт**

– Туман таълим бериш тизимининг сифатини яхшилашга ёрдамлашиш – масофадан ўқитиш учун ўқувчиларни компьютерлар ва планшетлар билан таъминлаш, интернет тармоғи тўловларини камайтириш, фаолият юритаётган мактабларни қайта қуриш ҳамда янги умумий таълим берадиган мактаблар барпо этиш.

– Келажак авлод учун маданий-тарихий ҳамда табиий меросни сақлаш, ягона маданий муҳитни мувофиқлаштириш ҳамда барча фуқароларнинг маданий қадриятларига тенг имкониятларни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни давом эттириш.

– Фуқароларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишга жалб этишга имконият яратадиган турли спорт турлари билан шуғулланишга мўлжалланган уй-жой ҳудудларини спорт майдончалари ҳамда спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозлашга ёрдамлашиш.

**Ёшлар сиёсати**

– Давлат молиялаштириш ҳамда ҳомийлик сармояларини жалб этиш ҳисобидан болалар ва ўсмирлар марказлари, спорт, мусиқа ҳамда санъат мактабларининг хизматига ёрдамлашиш.

– Ёшлар жамоат ташкилотлари, ёшлар уюшмаларининг, кўнгиллилар ишини, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ёрдамлашиш, ёшлар орасида ишсизликни камайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини юритиш.

– Истеъмол мафкурасини ишлаб чиқариш мафкурасига айлантириш учун инсоннинг меҳнат қобилиятини, касбий билимини, малакалари, манфааатлари ва заруриятларини ҳисобга олган ҳолда касб танлашда, касб турини ўзгартиришда ҳамда тажрибасини орттиришда амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган ёшлар учун ўқув марказини очишга ёрдамлашиш.

**Бошқарув органларининг халқ билан ўзаро ҳаракати**

– Фуқаровий жамоат-нодавлат ташкилотлари, этномаданият бирлашмалар, ғамхўрлик ташкилотларини ривожлантиришга, уларнинг мавқеини орттириш ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда фуқароларнинг иштирок этишида турли иншоотларни ривожлантириш, лавозимдор шахслар билан оддий қишлоқ аҳолиси орасида суҳбат майдончаларини ташкил этишга ёрдамлашиш.

– Уюшган жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида раҳбарлар масъулияти тўғрисидаги қонунни камчиликсиз сақлаш.

**Уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда ободонлаштириш**

– Туманнинг коммунал хизматлари фаолияти, қаттиқ маиший қолдиқларнинг ўз вақтида чиқарилишини, электр энергияси, сув, газ билан узлуксиз таъминланишини назорат қилиш.

– Пиёдалар қатнайдиган йўлакчалар ва пиллапоялардаги пандусларни панжаралар билан таъминлашга ёрдамлашиш, ногиронларга мўлжалланган яшаш жойларини ташкиллаштириш.

– Ички автомобиль йўлларини таъмирлаш, пиёдалар йўлларни янгилаш, кўчаларни ёритгичлар билан таъминлаш, трансформаторлар ва симёғочларни янгилаш.

**Сайрам тумани фуқароларининг ижобий ҳаётини таъминлаш ва ривожлантиришдаги асосий вазифалар**

– Туман инфратузилмаси тараққий этишига давлат томонидан маблағ ажратиш:

Болалар ҳамда спорт майдончаларини ўрнатиш, барча кичик ҳудудлар ва турар жой ёнидаги ҳудудларда ёритгичлар ва кузатув камераларини ўрнатиш.

– Доимий фаолият юритувчи озиқ-овқат ярмаркаси ёки қишлоқ хўжалиги бозори туманда нафақадорлар учун ўз боғ-роғларининг маҳсулотларини сотишга енгиллик яратиш учун жойларни ташкиллаштириш.

– Ижтимоий ҳимояланмаган фуқаролар учун арзон баҳода халқ истеъмоли маҳсулотларини сотиш бўлимларининг тармоғини ташкиллаштириш.

– Туман ҳокимлиги даражасида қаттиқ маиший қолдиқлар ҳамда полигон масаласини ҳал этишга ёрдамлашиш.

– Туман ҳамда Қорабулоқ ва Кўлкент қишлоқларининг фуқароларини тоза ичимли сув билан узлуксиз ҳамда сифатли таъминлашга ёрдамлашиш.

– Ҳокимият билан биргаликда, қурилган уйларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш.

Қудратли Қозоғистон бизнинг уйимиздан, кўчамиздан, қишлоғимиздан бошланади.

Биз биргаликда элимиз, туманимиз, қишлоғимизни ривожлантириш, қулай ва молиявий хавфсиз ҳудудга айлантира олишимизга ишончим комил.

**Менинг шиорим: “Элнинг ғамини ўйлаган – доноликнинг белгиси!”**

*(9-сайлов округидан Сайрам туман маслаҳати депутатлигига номзод С. Қочқартаевнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов Марказий сайлов комиссияси жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилди).*

## Хотира муқаддас

*Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила.*
*Айламак бўлмас адо анинг ҳаққин юз ганж ила.*
**Алишер НАВОИЙ.**

# ТУРКИСТОН ШАМЧИРОҒИ



**Инсон умри шамчироққа ўхшайди. Шамчироқ абадий эмас, йўлни ёритиб, сўнгра, ёниб, тамом бўлади. Инсон ҳам ҳаётда маълум из қолдирмоғи керак. Бу из унинг меҳнатида, жамиятда олиб борган ишида кўзга кўринади. Бугунги ҳикоямиз умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган машҳур инсонлардан бири ҳақида...**

Устоз қалб кўрини болаларга бахшида этиб, шогирдларига умрининг беқиёс дамларини, ўзидаги билим гавҳарларини беради. У мазкур мақсад йўлида юзига инган ажинларга, бошига қўнган қировларга, ҳатто путур етган соғлигига ҳам эътибор бермайди. Шундай инсонлардан бири Туркистон шаҳрида 30 йилдан зиёд давр мобайнида ёш авлоднинг таълим-тарбияси билан шуғулланган Назира Убайдуллаева (тасвирда)дир. Назира опа маҳоратли устоз даражасига етгунича талайгина машаққатли йўлларни босиб ўтди.

У 1938 йили март ойида Чипон қишлоғидаги Убайдулла ота оиласида дунёга келди. Ёшлигидан меҳнатни севиб улғайди, тобланди. Оила 1931-1932 йиллари қатағонлик азобини тотган, онаси Маъфура ая фарзандлари билан бирга Ўтрорга сургун қилинган экан. Назира мактабни яхши баҳолар билан тамомлаб, қишлоқда пахта теримига шўнғиб кетди. Кўп ўтмай, илғор теримчилар қаторидан ўрин олди. 1956 йил Назира учун ҳам қайғули, ҳам бахтли сана бўлди. Афсуски, падари бузруквори шу йили оламдан ўтади. Кенжатойи бўлгани учун ота Назирахонни жуда севарди. Шу йили терим мавсумида у мисли кўрилмаган ютуқларга эришади. Назира ўзбекистонлик пахтакорлар билан мусобақага тушиб, 652 кг. пахта терадива ўзига хос рекорд ўрнатади. Ўтказилган мусобақада ҳар куни 620 кг.дан пахта териб, донгдор пахтакорларни ҳам қойил қолдиради. Қозоғистон радиоси ва маҳаллий газета саҳифаларида Назира ҳақида хушхабарлар таралади...

Пахта теримида юқори кўрсаткичларга эришгани ва меҳнатдаги ютуқлари учун Назира Убайдуллаева Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми, ВЛКСМ, Қозоғистон ЛКСМ МК, Жанубий Қозоғистон вилояти ва Туркистон тумани партия қўмиталарининг фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор тақдирланган. 1957 йили СССР Олий Совети Президиуми моҳир пахтакорни Ленин ордени билан тақдирлайди.

Кейинги йилларда Назира опа Туркистон педагогика билим юртида таҳсил олиб, умрини ёшлар тарбиясига бахшида этди. Меҳнатсеварлиги натижасида «Катта ўқитувчи», «Услубиятчи ўқитувчи», «Қозоғистон Республикаси халқ маорифи аълочиси» унвонларига сазовор бўлди. Ундан ташқари, «Ленин туғилганига 100 йил» ва «Меҳнат фахрийси» медаллари билан тақдирланган. Ёзувчи Ерсенбек Ашеновнинг 1995 йили Алматида чиққан «Түркістан перзенті» китобида Назира опанинг меҳнатдаги қаҳрамонликлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. Назира опа нафақага чиққанида шум ажал уни орамиздан олиб кетди.

«От ўрнини той босар», деганларидек, Назира Убайдуллаеванинг қизи Махсуда она касбига меҳр қўйди. У ҳозир шаҳардаги «Отатурк» мактабида ишламоқда. 2004 йилнинг апрель ойида таниқли устоз Ҳабибулла Аширбоевнинг саъй-ҳаракати билан «Чипон» ўрта мактабида Назира опанинг музейи ташкил этилганди. Бироз муддат ўтиб, ўша маскан ёпилиб қолди. Янги бино қурилгач бир хона Назира Убайдуллаеванинг музейига ажратилади, дея ваъда берилганди. Янги бино фойдаланишга топширилди.

Энди, албатта бир хона меҳнатда шуҳрат топган машҳур юртдошимиз Назира Убайдуллаеванинг музейи учун ажратилади, деб, умид қиламиз.

**Мухтор ИКРОМ ўғли,**
**Ҳусан УБАЙДУЛЛАЕВ.**

# ФУТБОЛ ЭСТАФЕТАСИ УЮШҚОҚЛИ ЎТДИ

**Сайрам туманидаги 89-сонли “Қайнарбулоқ” умумий ўрта мактабининг 5-6-синф ўқувчилари – футбол тўгараги тарбияланувчилари ўртасида мусобақа уюштирилди.**

Мактабнинг тажрибали жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Рустам Мамасалиев ташкилотчилигида ўтказилган мусобақада 6–“А”, 5–“А” ва 6–“Б” синф жамоалари ғалаба қозонишди.

Футбол эстафетасини ўтказишдан мақсад – болаларга футбол сирларини ўргатиш ва олган билимларини мустаҳкамлашдан иборат.



**89-сонли “Қайнарбулоқ” умумий ўрта мактаби.**

## Обуначиларимиз орасида

# ЗИЛЗИЛА ОФАТИДАН САҚЛАНИНГ!

**Март ойининг биринчи санаси халқаро фуқаро муҳофазаси куни сифатида жаҳон миқёсида атаб ўтилгани бежиз эмас.**

Туркиядаги зилзила. Ундан аввал ўтган асрда 1948 йили Ашхободда, 1966 йили Тошкентдаги зилзилалар. Бугунда ижтимоий тармоқларда Алмати ва Шимкентда ҳам қуйи балл кўрсаткичида зилзилалар рўй берганлиги қайд этилмоқда. Зилзиладан чўчиш билан чекланмасдан ушбу офатдан замонавий сақланиш воситаларини ҳам баён этишни жоиз кўрдик.

Уйда, ишда, жамоат жойларида, транспортда юрган чоғингизда зилзила содир бўлганида нима қилиш керак. Оилада нима қилиш ва дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш қоидалари билан танишинг. Ҳужжатлар, пул, фонар ва қўшимча қуват манбаларини қулай жойда сақланг. Тайёргарлик мақсадида ичимли сув, консервалар захирасини тузинг. Зилзила шароитида хавфсизликни таъминлаш учун ётоқ ўринларни деразадан узоқроқ қўйиб, ўтиш жойларининг тўсиқсиз ва қулай бўлишини таъминланг. Бинонинг чайқалиб, жиҳозларнинг қулаганини кўрсангиз, ваҳимага тушманг. Тезда бинони тарк этиб, хужжатлар, пулларни, биринчи навбатда зарур нарсаларни олинг. Кўп қаватли уй бўлса, лифтдан эмас, зинапоялардан фойдаланинг. Агар сиз зилзила пайтида бино ичида бўлсангиз, хавфсизроқ жойда – бурчакда, стол ёки каравот тагини танланг. Муҳтожларга дастлабки тиббий кўмак кўрсатинг. Электр, газ тармоғини ўчиринг. Зилзиладан сўнг дастлабки 2-3 соатда ер силкиниши такрорланиши мумкинлигига тайёр бўлинг. Энг муҳими, ваҳимага тушмасдан теран фикрлаш ва нима зарурлигини ўзингизга дастур этиб олинг.

**Сардор ИРИСМЕТОВ,**
**А. Навоий номли мактаб ўқитувчиси.**
Туркистон шаҳри.

22-СОНЛИ ТУРБАТ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ҚАЗИҒУРТ ТУМАН МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД

AMANAT

## Қутлаймиз!



*Буни қаранг, кўкламнинг ажойиб кунларининг бирида – Наврўзи олам шодиёнаси арафасида машҳур марҳум устоз-шоир, «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг тамал тошини қўйганлардан ва нашр тараққиёти йўлида жонкуярлик қилган Баҳодир Собитнинг зурриёди Жавлон Собитов 16 март куни 39 ёшини – таваллуд айёмини нишонламоқда. Муборак бўлсин!*

*Қазиғурт туман маслаҳати депутатлигига номзод, Туроб Тўла номли мактаб директори ва Қазиғурт туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, газетанинг ҳақиқий жонкуяри Жавлон Баҳодир ўғлига сайловда зафар ёр бўлсин!*

**«Жанубий Қозоғистон» газетаси таҳририяти.**

(Номзоднинг шахсий жамғармасидан тўланди).

## “АЛ-КАВСАР” – ЭНГ ЯХШИ СИҲАТГОҲ

**“Ал-Кавсар” хусусий клиникаси Қорабулоқ қишлоғи ҳудудида жойлашган, иш бошлаганига кўп вақт бўлмасада, кун сайин мижозлари кўпайиб бормоқда. Ҳаттоки, клиниканинг довруғини эшитиб, Тараз, Алмати, Шимкент, Қарағанди шаҳарларидан келиб, даволаниб кетаётганлар ҳам бор.**



Клиникада кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга Шерзод Нишонов, Бунёд Эрметов сингари олий тоифали, малакали шифокорлар фаолият юритади.

Клиникада даволанувчиларга игна терапияси, МРТ, дорсинлал, уқалаш терапияси каби даво муолажалари қўлланилади. Уларни қўллашда малакали ҳамширалар Ақида Каримбоева, Мухлиса Тошметова каби ўрта махсус тиббий малакага эга ходимларнинг меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ.

Клиникада инсультнинг енгил ва оғир турини бошидан ўтказган беморлар тикланиш муолажаларини ҳам олишлари мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, клиника ўз мижозларига эга бўлиб, кўпчиликнинг дуо ва олқишини олмоқда.

**“Жанубий Қозоғистон” мухбири.**

# ГАЛИЕВ АЗИЗБЕК ЭРГАШБЕКОВИЧ

**САЙРАМ ТУМАН МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛИГИГА 5-СОНЛИ САЙЛОВ ОКРУГИДАН НОМЗОД**

## ТАРЖИМАИ ҲОЛИ



*Галиев Азизбек Эргашбекович 1985 йил 22 майда Жанубий Қозоғистон вилояти, Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғида туғилган. Маълумоти – олий.*

*1992-2003 йилларда Қорабулоқ қишлоғидаги Фурқат номли ўрта мактабда аъло баҳоларга ўқиган.*

*2004-2009 йиллари Жанубий Қозоғистон давлат тиббиёт академиясининг фармацевтика куллиётида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 2007-2009 йилларда «НИК фарм» компаниясида менежер сифатида бошлаган. 2009-2010 йилларда Алмати шаҳридаги «ВЕС НОРМА» компаниясида омбор мудири лавозимида ишлаган. 2010-2011 йиллари Сайрам туманидаги «Нишанкулов и К» компаниясида менежер сифатида фаолият юритган.*

*2011-2013 йиллари Шимкент шаҳридаги «НИК фарм Ритэйл» компаниясида менежер бўлган.*

*2014 йилнинг январь ойидан бошлаб Сайрам туман марказий шифохонасининг Оқсувкент туман касалхонасида провизор бўлиб ишлаб келмоқда. Меҳнат фаолияти давомида вилоят, туман ҳокимлари ҳамда «Нур Отан» партияси туман филиалининг, вилоят соғликни сақлаш бошқармаларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Оилали. Икки қиз ва бир ўғилнинг отаси.*

«AMANAT» партияси аъзоси.

## САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Қадрли ҳамюртлар! Халқимизда саломатлик – туман бойлик, деган ибратомуз гап бор. Мен узоқ йиллардан буён эл саломатлигини муҳофаза этишдек машаққатли шу билан бирга фахрли касбда ишлаб орттирган бор билимим, тажрибамни юртимиз аҳлининг бундан-да фаровон турмуш кечириши ва саломатликлари мустаҳкам бўлиши учун сарфлаш ниятида депутатликка ўз номзодимни қўяр эканман сизлар ишонч билдириб, сайлов куни менга овоз берсангиз қуйидаги режаларни амалга ошираман.

– “Саломатлик” давлат дастурига таянган ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, биринчи навбатда она ва бола саломатлигини муҳофаза этишга эътиборни кучайтириш;

– қишлоғимизда аҳоли сонининг ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда замонавий касалхона қурилиши ва уни энг сўнгги тиббий ускуналар билан таъминлаш масаласини бюджет маблағи ҳисобидан ҳал этишга эришиш;

– “Тоза сув” давлат дастурига таяниб, сайловчиларимга узлуксиз равишда тоза ичимли сув берилишини, эски сув қувурларини алмаштириш масаласини ҳал этиш;

– мамлакат иқтисодиётининг асосий даромад манбаи саналган кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганларни қўллаб-қувватлаш;

– давлат муассасаларида, мактаб ва касалхоналарда одат тусига айланиб бораётган сабабсиз текширувларга халқ вакили сифатида қарши туриш;

– ҳамқишлоқларимнинг асосий тирикчилик манбаига айланган чорвачилик билан шуғулланаётганларга давлат томонидан субсидия олиши ва чорва маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фаолиятини йўлга қўйишга амалий ёрдам кўрсатиш;

– инсон саломатлигининг асосий омили саналмиш экологияни муҳофаза этиш, табиатга, ўсимликлар дунёсига ва зилол сувли булоқларимизга келтирилаётган зиён-заҳматнинг олдини олишга эътибор қаратиш;

– йўллар таъмири, электр қуввати таъминоти, табиий газ ва эски трансформаторларни янгилашдек долзарб масалаларга эътибор қаратиб, бунга мутасадди идора раҳбарларининг эътиборини жалб этиш;

– янги уй-жой қуриш учун ер олишга навбатда турганларнинг муаммосини қонун доирасида ҳал этишга эътибор қаратиш.

***ҚАДРЛИ ҲАМҚИШЛОҚЛАР!***

***Мен шу қишлоқ фарзанди, қолаверса, тиббиёт соҳаси ходими сифатида халқимизнинг турмуши фаровон, қишлоқларимиз тоза ва обод масканга айланишини энг улкан бойлик, деб биламан. Сизлар ишонч билдириб депутат этиб сайласангиз, бу асл ҳақиқатга эришиш учун куч-ғайратим, тажрибам, маҳоратим етишига ишончим комил.***

**Менинг шиорим: “ХАЛҚ СОҒЛИГИ – ДАВЛАТ БОЙЛИГИ”.**

*(5-сонли сайлов округидан номзод А. Галиевнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов Марказий сайлов комиссияси жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилди).*

# ИСКАНДАРОВ САМАНДАР АЛИШЕРОВИЧ

**САЙРАМ ТУМАН МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД 5-СОНЛИ САЙЛОВ ОКРУГИДАН**

## ТАРЖИМАИ ҲОЛИ



*Искандаров Самандар Алишерович 1993 йил, 4 июлда ЖҚВ, Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғида дунёга келган. 2000 йилнинг 1 сентябрида Д.Қунаев номли 48-сонли техник-лицей мактабининг 1-синфига ўқишга боради. Мазкур ўқув даргоҳини 2011 йилда тамомлайди. 2011 йили М.Ауезов номли ЖҚДУнинг касбий ўқитиш куллиётига ўқишга кириб, олийгоҳни 2015 йилда тамомлайди.*

*Ҳозирги вақтда 25-сонли Д. Қунаев номли аграр техника коллежида ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор муовини сифатида фаолият юритмоқда. Шунингдек, мазкур билим даргоҳида махсус фан ўқитувчиси бўлиб ишлайди.*

## САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Қишлоқни ободонлаштириш орқали элимизни ободонлаштириш шиори остида Сайрам туманининг ижтиомий-иқтисодий аҳволини яхшилашга ўз ҳиссамни қўшиб, сайловда номзодимни қўллаб-қувватласангиз сизлар учун муаммоли бўлган вазиятларни ижобий ҳал этиб, она юртимизни бундан-да ободонлаштириш борасида меҳнат қилишга бел боғлардим.

– Қишлоқни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш доирасида таъмирталаб кўчаларга алоҳида кўнгил бўлиш, оқин сув билан фуқароларни таъминлаш, кўча ва қишлоқни тозалигини назоратга олиш, уларни кўкаламзорлаштиришни маҳаллий ҳокимлари билан биргаликда амалга ошириш;

– Халқни тоза ичимли сув билан таъминлаш масаласини, кўчалардаги ичимли сув қувурларини алмаштириш ҳамда фуқароларнинг кечаю кундуз ичимли сув билан тўла таъминланишини назорат остига олиш;

– Таъмирталаб ҳолдаги электр тармоқларини алмаштириш, аҳолининг электр энергияси билан тўлиқ таъминланишига кўнгил бўлиш;

– Таълим маҳкамаларининг замон талабига мос биноларини таъмирлаб, уларни зарур ўқув-қуроллари билан таъминлаш, ўқитувчиларнинг иш фаолиятини яхшилаш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини орттиришга ҳисса қўшиш;

– Ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш мақсадида уларнинг спорт билан шуғулланишига имконият яратиш;

– Маҳаллий этномаданият бирлашмаларининг халқимиз бирлиги, тотувлиги йўлида амалга ошираётган ишларига ҳисса қўшиш;

– Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишига, аҳоли бандлигини таъминлашга, янги ишлаб чиқариш ўринларини очиб, фуқароларни касбий мутахассисликларга ўргатишга, нафақадорларнинг, меҳнат фахрийларининг, ногиронларнинг, кўп болали ҳамда ёлғиз оналарнинг ижтимоий ҳимоя қилинишига ҳамда ҳуқуқларини муҳофаза этиш борасида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

*(5-сонли сайлов округидан номзод С. Искандаровнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов Марказий сайлов комиссияси жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилди).*

● **Саломатлик – туман бойлик**

# “ЕВРОМЕД” КЛИНИКАСИ – ХИЗМАТИНГИЗГА ШАЙ!

**Мамлакатимизда соғликни сақлаш соҳаси доимий эътиборда. Бугунги кунда давлат тиббиёт муассасалари билан бир қаторда хусусий клиникалар ҳам муваффақиятли фаолият юритмоқда.**

Ана шундай замонавий клиникалардан бири – Шимкент шаҳрининг “Ёпиқ бозор” ҳудудида барпо этилди. Унинг соҳиби – Олимжон Исаев бутун умрини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган фахрий устоз. У Тошкент шаҳридаги рус тили ва адабиёти институтини тамомлаб, Шимкент шаҳридаги 3-сонли Улуғбек номли мактабда узоқ йиллар ўқитувчилик қилган.

– Фарзандларимнинг тиббиёт соҳасини танлагани бежиз эмас, умр йўлдошим Иқболхон Шимкент шаҳридаги 2-сонли касалхонада чорак асрга яқин меҳнат қилган, – дейди отахон. – Қолаверса, уларнинг ушбу соҳага келишига сабабчи бўлган мен учун азиз инсонлар – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори Қўрғон Бўроноев, ҳамюртимиз, жамоат арбоби Маҳаммадрасул Исоқовларнинг оталарча ғамхўрлиги ва тўғри маслаҳатидан, деб биламан. Ўғлим Бахтиёр, қизларим Дилбар ва Юлдуз Шимкент давлат тиббиёт академиясида таҳсил олишди. Яна бир қизим – Раъно 3-сонли Улугбек номли мактабда муаллима. Келиним Нилуфар Абдуллаева ҳам малакали невропатолог-шифокор.



Бахтиёр Исаев кўп йиллар вилоят эндокринология марказида реаниматолог сифатида хизмат қилиб, 2016 йилдан шахсий клиникада иш бошлади.

– “Евромед” – шаҳримизда 2006 йилда фаолиятини бошлаган клиника, – дейди у. – 2016 йили унинг янги соҳиби сифатида иш бошладик. “Евромед-1” клиникасида 30га яқин одам доимий иш билан банд. Янги муассасада ҳам шунча одам доимий иш билан таъминланади.

Дарҳақиқат, клиникада беморларнинг сифатли даволаниши учун барча шароитлар муҳайё. Биринчи қаватда шифохона, иккинчи ва учинчи қаватларда 20 ўринли стационар мавжуд.

Хоналар 2 кишига мўлжалланган, шинам ва ёруғ, лифт ишлаб турибди, клиникада хориждан келтирилган энг замонавий тиббий ускуналардан фойдаланилмоқда. Марказлаштирилган совутгич, рентген, стоматология, гинекология хоналари, ЛФК, физиология кабинетлари, дорихона мижозларга хизмат қилиш учун шай. Бу жойда эндокринология, неврология, кардиология, гинекология хасталиклари бўйича хизматлар кўрсатилади. Келгусида клиникага, шунингдек, терапевт, кардиолог шифокорлар ҳам жалб қилинади.

Тиббий клиника биносини тошкентлик Тўлқин Анорбоев лойиҳалаштирган.

– Муассасамизни Наврўз байрами арафасида очмоқчимиз, – дейди Олимжон ота. – Шу куни келувчиларга бепул хизмат кўрсатилади. Яратганга шукур, мижозларга сифатли хизмат кўрсатишни ният қилганмиз.

Аҳоли саломатлигини тиклаш, беморларга умид ва қувонч улашишни мақсад этган Олимжон ота ва унинг фарзандларига мустаҳкам соғлик, эл равнақи йўлидаги фаолиятларига муваффақият тилаб қоламиз!

**З. МЎМИНЖОНОВ.**




**Тасвирларда:** “Евромед” клиникасининг умумий кўриниши; Бахтиёр Исаев, Олимжон Исаев, Ҳалима Анорбоева, Дилбар Исаева, Мухтор Муҳаммедов.

# ДАВРАНОВ АБРОР ЭЛМУРАТОВИЧ

**8-СОНЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА САЙРАМ ТУМАН МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД**

## ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

*Мен Аброр Элмуратович Давранов 1991 йил 7 сентябрь куни Қорабулоқ қишлоғида туғилганман. Отам Элмурот Мавлонов ўқитувчи, онам Шоира Мавлонова уй бекаси. 1998-2007 йилларда Қорабулоқ қишлоғидаги (собиқ 77-сонли Ҳамза) ҳозирги 77-сонли Турон умумий мактабида таҳсил олдим. Ўрта мактабда ижтимоий-гуманитар фанлардан аълога ўқидим. 2007 йилда мактабни тамомлаб, гуманитар педагогика коллежини «Техник-дастурчи» ихтисослиги бўйича тамомладим. 2014 йили Шимкент университетининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомладим. 2011-2013 йилларда гуманитар педагогика коллежида ишладим. 2013 йилдан буён 100-сонли ўрта мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлайман.*

*Турмуш ўртоғим Мафтуна Давронова муаллима. 2 фарзанднинг отасиман.*

*Мақсадим – халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиш. Янги Қозоғистонни келажак авлод билан бирга барпо этишни фуқаролик бурчим, деб биламан.*

## САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

**Қадрли сайловчилар!**

Ватанимиз бир, мақсадимиз ягона. Амалга оширилаётган лойиҳалар халқ фаровонлигини таъминлайди. Менга ишонч билдириб, сайловда овоз берсангиз, туман маслаҳати депутати сифатида қуйидаги ишларни амалга оширишга бор куч-ғайратимни сафарбар қиламан.

● Ўзим туғилиб ўсган қишлоқдаги барча таълим муассасаларини марказлаштирилган газ таъминотига улаш;

● Қорабулоқ қишлоғини тоза ичимли сув билан таъминлаш. А. Қаҳҳор, Беруний, Жанақўрғон, Улуғбек, Охунбобоев, Бекниёз ота, Олмазор кўчаларини тунги чироқлар билан таъминлаш, Янгиобод, Жамбил, А. Охун, Қоровултепа кўчаларини асфальтлаш, Ахмаров, А. Бўлис кўчаларига пиёдалар йўлакчаларини қуриш масалаларини ҳал қилиш;

● Қишлоқда спорт иншоотларини барпо этиш, спорт билан шуғулланувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби масалаларни ҳал қилиш;

● Рустамов кўчасида ободонлаштириш ишларини олиб бориш учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш;

● Давлат бюджетининг маблағидан фойдаланишда шаффофликни таъминлаш;

● Қорабулоқ қишлоғида «Қулай мактаб» дастурини амалга оширишга эришиш;

● Қишлоқдаги ички йўлларга шағал тўшаш ва асфальтлаш бўйича иш олиб бориш. Фикри теран, қобилиятли, иқтидорли болаларни тарбиялаб, уларни қўллаб-қувватлайман;

● Таълим муассаларида экологик таълим-тарбия масалаларига эътибор қаратиш;

● Жамиятни уюшган жиноятчиликка қарши кураш қобилиятини кучайтиришга ҳисса қўшиш;

● Деҳқонлар учун қулай ер майдонларини кўпайтириш, оқар сув билан таъминлаш;

● Ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш. *Миллатимиз урф-одатлари ва анъаналарига эҳтиром кўрсатиш ва қадриятларнинг эъзозланишини таъминлаш;

● Давлатнинг асосий бойлиги инсон ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларидир. Шу боис уларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш;

● Туман марказидан олисда жойлашган қишлоқларни сифатли йўл, жамоат транспорти, интернет тармоғи билан таъминлашга ҳисса қўшиш.

**МАҚСАДИМ АНИҚ, ЙЎНАЛИШИМ РАВШАН.
ВАТАН КЕЛАЖАГИ УЧУН МЕҲНАТ ҚИЛИШ БУРЧИМДИР!**

***(8-сонли сайлов округидан номзод А. Даврановнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини чоп этиш учун тўлов Марказий сайлов комиссияси жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилди).***

**Директор – Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи – Мурoджон Абдунаби ўғли АБУБАКИРОВ.**

Бош муҳаррир ўринбосари: **Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

**Масъул шахслар:**
*Туркистон, Кентов* — **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.
*Тўлеби* — **Баҳором ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
*Қазиғурт* — **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7-701-447-37-42.
*Сайрам* — **Мухтабар УСМОНОВА.** +7-707-257-97-36.
*Тулкибош* — **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7-747-144-60-71.
*Обуна, реклама ва эълонлар* — **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7-702-278-96-90

**Қозоғистон Республикасида тарқатилади.**

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● *Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
● *Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

*Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.*

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

**МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри, "Жаңа қала" кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават.
Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55**
*Электрон почта: janubiy@inbox.ru*

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12500 нусха.

Буюртма: 672.

**Навбатчи муҳаррир: Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.**